



20 20 у « 22 » апрель

№ Қ-185

« ___ » 20 ___ г

Жарқўрғон тумани “Т.Шобуров” массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “FAROVON O’SHMAS ALANGA” МСНҲга алоҳида саноат корхоналари учун қурилган газ тақсимлаш коллекторидан юқори босимли газ қузури тортиш учун ер майдони ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Ер кодексининг 5,87-моддаларига ва Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 17 июндаги ПФ-5742-сон Фармонига асосан, вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/201-сон йиғилиш баёни, Жарқўрон тумани ҳокимининг 2020 йил 03 февралдаги 24/05-29-сон хатини кўриб чиқиб,

Қ А Р О Р Қ И Л А М А Н :

1. Вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкалари бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссиянинг 2020 йил 13 апрелдаги 03-02/201-сон йиғилиш баёни тасдиқлансин.

2. Жарқўрғон тумани “Т.Шобуров” массиви “Қуштепа” маҳалласи ҳудудидан “FAROVON O’SHMAS ALANGA” МСНҲга алоҳида саноат корхоналари учун қурилган газ тақсимлаш коллекторидан юқори босимли газ қузурини Н.Боймуродов массиви “Исмоилтепа” маҳалласи ҳудудига тортиш учун қишлоқ хўжалик харитасининг 793қ, 792қ, 789қ, 347қ, 402қ, 406ақ, 392қ, 383қ, 373ақ, 373қ, 198қ, 210қ, 211қ, 184қ, 52қ, 593қ, 95и.қ, 93қ ва 89қ-дала контурларидан жами 1,78 гектар шундан 0,31гектар яйлов, 1,47 гектар қишлоқ хўжалигида фойдаланилмайдиган бошқа ерлар билан банд бўлган, яъни (17808x2) метр узунликдаги ер майдонлари доимий фойдаланиш ҳуқуқи билан ажратилсин.

3. “FAROVON O’SHMAS ALANGA” МСНҲ саноат корхоналари учун қурилган газ тақсимлаш коллекторидан юқори босимли газ қузурини тортиш учун ажратилаётган 0,31 гектар яйлов ер майдони учун қишлоқ хўжалигида ишлаб чиқариш нобудгарчиликларининг ўрнини қоплаш мақсадида 4 149 306 (тўрт миллион бир юз қирқ тўққиз минг уч юз олти) сўм давлат тўлов қоплама қийматини Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги газначилиги Тошкент ХККМ Марказий банкининг ҳисоб рақам: 23402000300100001010 СТИР:201122919 код: 00014 бюджет ҳисоб рақами

4. Вилоят Ер ресурслари ва давлат кадастри бошқармаси (А.Ғаниев) ва Жарқўрғон туман ҳокимлиги (З.Давлатов) ер майдони ажратилиши муносабати билан туман ер ҳисоботига тегишли ўзгартириш киритишни таъминласин.

5. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш вилоят ҳокимининг ўринбосар А.Сувонкулов зиммасига юклансин.

Вилоят ҳокими



Т.Боболов